мингга яқин одам ҳалок бўлган, қарийб 25 миң киши яраланган. Халқроқ террорчилик — бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлиш ва соғлиғидан айиришишгана англатмайди. Террорчилик ташкилотларининг асосий махсулоти — қўрқув муҳити. Айни пайтда гиёҳванд моддалар хозирда халқроқ террорчилик занжири-

нинг ажралмас қисмига айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Нафақат Россия шаҳарларида, балки дунёнинг турли мамлакатларида руй берган даҳшатли воқеаларни акс эттирган фотосуратларни кўриб бунга яна бир бор амин бўлиш мумкин. Бу Россиянинг ахборот агентлиги — РИА-Новости мухбирлари суратга олган саксонга яқин фотопортретларидир.

Фотокўргазманинг очилиш маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Фарит Муҳаммад иштирок этди.

ЎЗА

## ХАЛОЛЛИК

Бекатда турсам олдимга енгил машина келиб тўхтади. Хушқомат ҳайдовчи кабинадан бош чиқариб саломлашди. Кейин машинага таклиф этди. Сертакаллуф йилгитга рад этишни ноҳозир хис этиб, йиманибгина кабинага ўтирдик.

— Йўл бўлсин, отахон?

— Ҳа энди дам олиш кун, бекорчилик. Шунга Эски шаҳар бозорини бир айланай дедим-да. Йўлимиз бирми ишқилиб?

— Озиб-ёзиб бизнинг машинага бир чиқиб қолибсиз. Шундай экан сизни манзинингизга ташлаб ўтаман-да. Сиздек қари-лардан дуо олишимиз керак.

Нима дейишни билмай бир зум саросималаниб қолдим. Бу хижолатликдан мени ҳайдовчининг ўзи чиқарди.

— Мен сизни танийман, Зийрак бобо. Шунинг учун атайлаб машинани тўхтатдим. Ҳарқалай кўпни кўрган инсонсиз. Менга бир жўяли маслаҳатингиз керак бўлиб қолди. Агар билсангиз икки кундан бери бир муаммо мени қийнаydi.

— Нима экан у, айтинг, эшитайлик.

— Бундан икки кун олдин Шимолий вокзал бекатида турсам ўрта ёшлардаги икки киши келиб «Эски Жўва» бозорига олиб бориб қўйишимни илтимос қилишди. Йўловчи ҳамроҳларим анча гапдон экан, манзилга етгунча хангомалашиб келдик. Гурун орасида танишгандек бўлдик. Улар Самарқанддан 16-шаҳар касалхонасида бетоб ётган дўстларини йўқлагани келишайтган экан. Олдин бозордан майда-чуйда харид қилиб кейин касалхонага ўтамиз, дейишди. Эски Жўвада хайр-хўшлашиб машинадан тушиб қолишди.

Тушлик қилгани уймга келдим. Бироз дам олиб, яна йўлга отландим. Машинанинг у ёқ, бу ёғини артиб, тозаллаган бўлдим. Қарасам орқа кабинадаги филофлар бир аҳволда. Уларни тўғри-лаб қўйиб деб орқа эшикни очсам ерда мана бу ҳамён ётибди.

Ҳайдовчи қора чарлиги ҳамённи костюмининг ич чўнтагидан олиб менга кўрсатди.

— Дарҳол уни қўлимга олиб ичини очдим. Бир даста пул. Орасида 100 талик долларлар. Санасам роса ўнта. Аниқ биланманки, бу бойликлар бояги йилгитларга қарашли. Нима қилишни билмай бошим қотди. Кейин шартта машинага ўтирдимда, «Эски Жўва» бекатига - ўша ҳамроҳларим машинадан тушган жойга жўнадим. Ҳойнаҳой шу ерга кидириб келиб қолишар деган

ганча мисоллар келтиришимиз мумкин. Гапимизнинг исботи учун мана бир ҳаётий воқеа.

Шорасул бошлиқнинг хузурига кирди. Ўзи билан бир хондада ўтирадиган ҳамкасби устидан мағзава ағдарди. Охирида масалани кўндаланг қўйди.

— Е у ишласин бу ерда, ё мен.

Бу гапдан ишга янги келган бошлиқнинг боши қотди.

— Ҳўш, нимага асосланиб уни ишдан бўшатаман, — дея синчов назар билан ҳамсўбхатига тикилди.

— Сўрункали ишга кеч келади. Кейин фойдали юмуш билан шуғуланмай хонама-хона юриб, одамларни ишдан қолдириб гап сотади. Шунинг ўзи етарли эмасми уни ишдан чет-латишга.

— Яхши, — деди бошлиқ ўзидан узоқ чўзилган масалага яқун ясаб, — сўраб-суриштирамиз. Бошқаларнинг фикрини ҳам билайликчи.

Шу кун у хузурига корхонада кўп йиллар ишлаётган мутахассисларни таклиф этди. Уларнинг тахрибали ходим Нейматжон Мансуров ҳақидаги фикри билан қизиқди. Йилгитлар бир овоздан уни энг яхши, ҳар томонлама намунали хизматчи эканлигини айтишди. Кейин Шорасул ҳақида сўраб-суриштирди. Мажлис ахли уни ўртामीна ишни, энг ёмони гийбатчи эканлигини билдирди. Шорасул тақдир тақозоси билан корхонада тез-тез алмашиб турадиган бошлиқларга ноўрин шикоят қилиб, уларни ўз сўзига ишонтириб, иқтидорли ходимларнинг кўпчилигининг «бошига» етганлигини айтишди.

Шу кунда йилгитиш тугади. Шорасулнинг мақсади бошлиққа аён бўлди. Бу орада Шорасул темирни қизигида босиб қолди: учун ўзи кўтарган масала юзасидан яна бир неча бор бошлиқ хузурига кириб чиқди. Ҳар сафар бошлиқ турли баҳоналар билан бу ишни сансалорга солаверди. Лекин шу билан бирга Нейматжон ҳақидаги сўраб-суриштирувни тўхтатмади.

Нихоят масала ойдинлашди. Шорасулнинг ўз ҳамкасби хусусидаги айтганлари бориб турган тўхмат, унинг қўрқолмасликдан тўқилган иғво эканлигини аниқ билди. Корори қатъийлашди. Шундай вазиятда Шорасул яна бошлиқ хузурига кириб ҳар галгидек масалани қатъий қўйди. «Е мен, ё у».

— Менга қаранг, — деди бошлиқ Шорасулнинг иғвосидан зерикиб, чарчаб. — Нейматжонни ишдан бўшатишга ҳеч қан-

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

## ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

умидда кечгача кутдим. Улардан дарак бўлмади. Кеча яна ўша жойда, кейин 16-касалхона эшиги олдига бир неча бор бориб келдим. Йўқ, йилгитларга дуч келмадим. Кечаси билан ўйлай-ўйлай бир қарорга келдим. Шунга бугун яна касалхонага кетяман. Ҳозир бориб қабулхонадан Самарқанддан келган беморлар рўйхатини сўраб-суриштираман. Уларга бор гапни айтсам Самарқанддан кимлар ётганини айтиб беришар. Зора сўраб-суриштириб истаган одамларнинг ўзини ёки манзинини билиб олсам.

— Бордию топилмаса унда нима қиласиз? - сўрайман ҳайдовчидан.

— Унда ҳамённи «Топилмалар бюроси»га беришга мажбурман. Сиз нима маслаҳат берасиз?

Мен нима ҳам дердим. Бир гап айтишдан оқибат эдим. Шунинг учун ҳалол ва оқил бу ҳайдовчининг фикрини қувватладим холос.

— Бир дуо қилинг, отахон, зора бугун ишим ўнгидан келса. Қўлимни фотиҳага очиб унинг истагини амалга ошишини Яратгандан илтижо қилдим.

Шу аснода манзилга етиб келдик. Машинадан тушиб ҳайдовчига йўл ҳақини узатдим.

— Эй йўқ, отахон. Менга қилган дуоингизнинг ўзи етади. Савоб ҳам керакда кишига, — деди ҳайдовчи қўлимни қайтариб.

Унга оқ йўл тиладим. Бу ҳаётда яхшилар кўп. Шундай одамлар бор экан, ҳеч қачон юкинг ерда қолмайди, — деб қўйдим машинанинг орқасидан термулди.

## ТУХМАТ ТОШИ БОШИГА ЕТДИ

Халқ донишманд. У синаб, синовдан ўтказиб, кўп йиллик тажрибадан келиб чиққан ҳолда билиб айтади. Мақол ва маталага айлиниб кетган бу сўзлар бугунги кунда ҳар биримиз учун бамисли бебаҳо хазинадир. Масалан биргина «Бировга чох қазисанг, ўзинг йўқиласан», деган ҳикматли гапни олайлик. Унинг нақадар ҳаётийлиги, тўғри топиб айтилганлигига иста-

дай асосим йўқ. Сиз айтган сўзлар тасдиғини топмади. Шундай экан, агар ўша ҳамкасбингиз жонингизга теқкан бўлса, у билан ишлашни хоҳламасангиз қийналиб, бу қадар сиқилиб юрмангиз, марҳамат қилиб, ишдан бўшаш ҳақида ўзингиз ариза берди қолинг.

Қўтилмаган таклифдан Шорасул лол бўлиб қолди. Шундай қилиб бировга қазиган чоҳига ўзи йикилди.

## БИР ОФИЗ СЎЗ

Кайфиятим бузилиб бир аҳволда уйга қайтсам кампирим:

— Ҳа отаси, бугун бироз фароқ кўринасиз? — деб қолди.

Жеркиб берай дедим, ўзимни тутдим. Рост-да, ахир бу бечорада нима гуноҳ.

— Ҳа, энди шундоқ. Гоҳ худ, гоҳ бехуд-да онаси, — деб қўйдим тўнғиллаб.

— Ўзингизнинг қон босимингиз бўлса, ҳар нарсага тажанг бўлаверасизми? — деди у. Кейин қўлидаги бир парча қоғозни менга тутқазди. — Яхшиси мана буни ўқинг.

Истар-истамай гилофдан кўзойнагимни чиқариб қоғоздаги ёзувларга термулдим. Унда: «Хурматли Муборак хола, туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сиз — бизнинг фахримиз бўлган онахонимизга, умр йўлдошингиз Зийрак бобомизга узоқ умр, сихат-саломатлик тилаймиз. Жамоамиз номидан мана шу арзимас совғамизни қабул қилгайсиз», — деган сўзлардан кейин мактубга корхона раҳбари ва касабая уюшмаси раисининг имзоси қўйилди.

— Ана қўрдингизми, отаси, — деди кампирим тушмагур хурсанд бўлиб жамоамиз тақдим этган чинни буюмларни бирмабир кўрсатиб. — Корхонадан кетганимга ўн йил бўлибдики, бошлиқларимиз туғилган кунимда дунёро совға билан мени йўқлашни унутушмайди. Барибир бирода яхшилар кўп-да, отаси.

— Ҳа, Яхшилар кўп дунёда дейман ўзимга-ўзим. Биргина мана шу сўз юрагимдаги аччиқ губорларни бир зумда тарқатиб юборди.

## Турфа олам

ХИЗМАТЛАРИ  
БЕМИННАТ

Америкадаги маросим хизмати бюроси яқинда янги гаройиб хизмат таклифи билан чиқди. Таклифнинг мазмунидан аён бўлишича, бу хизмат бюроси, марҳумнинг яқинлари истак билдиришса, унинг хокини муқобил тарзда дафн этишни ўз зиммаларига олишармиш.

Махсус капсула (гиллоф)га жойланган марҳумнинг хоки сунъий ер йўлдош ёрдамда коинопта чиқариб юборилиши ёки Ойга олиб чиқиб «дафн этилиши» мумкин экан. Бироқ бундай «фазовий» дафн маросими хийлагина харажати талаб этаркан. Ҳозирча бу муқобил маросим азадорларга нақд 12,5 миң долларга тушиши мумкин. Бироқ Америкадек мамлакатда бундай «беминнат хизмат»га иштиёқи борлар топилиб қолишига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Айни пайтда «фазогир тобуткаш»ларнинг рақобатчилари ҳам пайдо бўлишган. Худди шундай хизмат бюрорларидан яна бири уч миң долларга марҳумнинг хокини ранг-баранг товланувчи мушакларга қўшиб осмонга ҳаволатишни таклиф этган. Бошқа бир «хизмати беминнат» шундай бюро эса марҳум хокини бетон билан қоритириб, сув тубидаги чағир тошларга ўхшаш тош ясаб, уни океан тубига жойлаштиришни удалашга тайёр. Бу хизмат учун саккиз юздан уч миң долларгача талаб этиларкан.

«МАХФИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР»  
ТУГАДИ

Тошбабинлар орасида машҳур бўлиб кетган «Махфий материаллар» сериалининг тўққиз йиллик «саргузашти» тугаш арафасида.

Сериалнинг охириги — 201-серияси Америка телеэкранларида шу йилнинг 19 май кунини намойиш этилди. Агент Скалли ролини ижро этган ўттиз икки ёшли актриса Жиллиан Андерсон бу роль жонига тегиб кетганини эътироф этган. Утган йил кузида «жанг майдони»нинг асосий қаҳрамони — агент Малдер ролини ижро этган актёр Дэвид Духовний тарқ кидди. Ҳозир қирқ икки ёшли бу актёр ўзининг режиссёрлик лойиҳалари билан машғул. Айрим маълумотларга кўра, Д.Духовний «XX аср Фокс» компаниясини судга берган. Бунга сабаб эса актёрнинг даъвосича, компания сериал намойишидан тушган бир неча миллион долларни ижрочилардан яширган.

«Махфий материаллар» сериали режиссёри Крис Картернинг фикрича, охириги икки соатли эпизодда бутун сериалдаги жумбоқлар ечимини топади. Дэвид Духовний хайрлашув сериясида суратга тушишга розилик берган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Тошкент тиббиёт билим юрти томонидан 2002 йилда Рузиева Гулбахор Хақимовна номига берилган Т№ 016209-сонли (қайд рақами № 5032) диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## Тадбирлар

ТАБИАТГА  
ОШНО ҚАЛБЛАР

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, ватанпарвар тарзда воёга етказиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан биридир. Ота-она, яқинлари меҳрдан тақдир тақозоси билан ажралиб Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонлар учун давлатимиз томонидан алоҳида эътибор кўрсатишмоқда. Хусусан, уларнинг жисмонан соғлом, меҳнатсевар, маънан етук бўлиб воёга етишлари йўлида барча зарурий имкониятлар яратилиб, таълим-тарбия юмушлари йўлга қўйилган. Собир Раҳимов туманида жойлашган 24-Меҳрибонлик уйида куни кеча бўлиб ўтган тадбир ҳам болажонларнинг табиатни асраб-авайлаб, экологиянинг тоза-озодалигига ҳисса қўлишига қаратилди.

— Меҳрибонлик уйимизда 116 нафар 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган болажонлар тарбияланади, — дейди 22-Меҳрибонлик уйи директори Доно Ворисова. — Уларнинг келажақда қимил инсон бўлиб воёга етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, айни кунларда ўтказилаётган кўчат экиш тадбири-миз ҳам теварак-атрофни ободонлаштириш, тоза-озода сақлаш каби эзгу ниятга қаратилган. Шу кунгача 60 та манзарали, 130 та мевали дарахтлар экилиб, ободонлаштириш

юмушлари олиб борилди. Экология йўналишидаги ишларимиз боис ҳоналаримизда, мактаб ва боғчамизда ҳам анвойи гулларнинг барқ уриб турганини кўришингиз мумкин. Болажонларда табиатга меҳр уйғотиш йўлида турли тадбир ва экскурсиялар уюштирамиз. Яқинда Ботаника боғида саёҳатга бўлдиқ, анвойи гулу дарахтлар парвардиси билан яқиндан танишдик.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсадимиз келажғимиз давомчилиги бўлган фарзандларимиз муносиб из-

дошларимиз бўлиб воёга етсинлар.

Айтиб ўтиш жоизки шу кунгача шахримиздаги 23-, 30-Меҳрибонлик уйларида ҳам кўчат экиш тадбирлари ўтказилиб, турли хил мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ҳозирда ушбу болажон масканларини безаб турибди.

**Шаҳноза МАҲМУДОВА**  
СУРАТДА: Собир Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган кўчат экиш тадбиридан олган сурат.  
**Ҳақимжон Солиҳов**  
олган сурат.

ЎЗБЕК КУРАШИ  
ЕВРОПАДА

Грециянинг Салоники шаҳрида кураш бўйича Европа чемпионати якунланди. Унда қитъанинг ўттизга яқин давлатидан келган полвонлар иштирок этди.

Кейинги ўринлари Арманистон ва Греция полвонлари забт этди.

Мазкур чемпионат доирасида Европа кураш кон-

федерациясининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Унда 2005 йил қитъада ўзбек курашини янада ривожлантиришга оид

масала муҳокама этилди.

Бундан ташқари Европа кураш конфедерациясининг келаси йилги тақвим режаси ҳам қўриб чиқилди. Катталар ўртасида кураш бўйича Европа чемпионати 2005 йилда Варшавада, ёшлар ўртасидаги мусобақалар эса Истамбул шаҳрида ўтказилган бўлди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН  
ЛОЧИНЛАРИНИНГ  
ИШОНЧЛИ ПАРВОЗИ

Ўзбекистон ўзининг авиация ва автомобилсозлик санатига ога бўлган Марказий Осиёдаги ягона мамлакат ҳисобланади. Бугун юртимизда йиғилаётган қудратли ҳаво кемалари таъйёрлашмоқда. Ўзбекистонлик самолётсозлар яратётган замонавий ҳаво лайнерларига кўплаб хорижий давлатлардан тушаётган буюртмалар фикримиз далилидир.

Тошкент авиация заводи ходимлари йил сайин янги-янги русумдаги ҳаво кемалари таъйёрлашмоқда. Хусусан, заводда йиғилаётган ИЛ-76 МФ русумидаги самолётлар ўзининг техник ва парвоз имкониятлари билан жаҳрда ягона ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Россия Федерацияси Харбий ҳаво кучлари буюртмаси билан бир неча ана шундай ҳаво кемалари таъйёрлаб беришмоқда. Шунингдек, корхонада йиғилаётган ИЛ-114 русумидаги қисқа масофага парвоз қилувчи йўловчи ташишга мўлжалланган самолётлар ҳам кўплаб хорижий давлатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хиндистон Мудофаа вазирлиги мутахассислари Тошкент авиация заводида бўлиб, энг сўнгги компьютер технологиялари билан жиҳозланган 20 миң литр ёнилгини олиб парвоз қилиши ва бир пайтда икки та ҳарбий самолётга ёнилги қуйиш имкониятига эга қудратли ҳаво кемалари билан яқиндан танишганларида ушбу самолётга юқори баҳо беришган эди. Шундан сўнг 2003 йилда икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида олтинта ана шундай самолётни Хиндистонга сотиш юзасидан 152

миллион долларлик шартнома имзоланди. Шартнома шартлари ўз мuddатида бажарилиб, шу вақтга қадар бешта самолёт таъйёрланиб, буюртмачиларга жўнатилди. Завод Хиндистон Республикаси Харбий ҳаво кучларининг буюртмасига биноан олтинчи самолётни ҳам фойдаланишга топширди. Ҳаво кемасини олиб кетиш учун келган хиндистонлик мутахассислар уни синчковлик билан текшириб, қабул қилиб олишди. Унинг техник имкониятларини гоёқ юқори баҳолашди.

Буюртмачилар Хиндистон Мудофаа вазирлиги Харбий ҳаво кучлари штаби номидан ушбу қудратли, мустаҳкам ва замонавий ҳаво кемасини яратувчиларига ўз миннатдорчилигини изхор этишди. Шунингдек, буюртманинг гоёқ қисқа мuddатларда сифатли бажарилаётгани Ўзбекистон ҳукуматидаги самолётсозлик тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганини, бу эса ўз навбатида ҳар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Мазкур самолётни яратишда Россия Федерацияси конструктор бюросининг бир

неча корхоналари ҳамда Франция, Голландия давлатлари иштирок этишди. Мамлакатимизда эса у йиғиб берилди. Бу дунё самолётсозлик санатига Тошкент авиация заводининг имкониятлари юқори эканлигини яна бир бор намойиш этди, десак муболага бўлмайди.

Айни пайтда заводда АКШнинг дунёга машҳур Боинг компаниясида ишлаб чиқарилган Боинг-737, Боинг-757 самолётлари учун ҳам турли деталлар, бўлғоқчи қисмлар таъйёрлашга киришилган. Бунинг учун махсус сертификат олинди. — Бу қўшимча маблағ ишлашга имкон яратлади. Энг муҳими, дунёнинг қудратли давлатидан тушган мазкур буюртма заводимизга бўлган ишончнинг юксак эканлигини кўрсатади. — дея таъкидлашди завод мутахассислари.

Бундан ташқари, айни пайтда заводда Озарбойжон ҳамда Исроил давлатларига ҳам ИЛ-76 ТД русумидаги юк ташиш самолётлари таъйёрланмоқда. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон авиация сановатининг янги босқичга кирганлиги, техник имкониятлари юксалиб бораётганлигини кўрсатади.

**Инобат**  
**ЭГАМКУЛОВА,**  
«Туркистон-пресс»



— Биз билан ўйнайсизми?  
Наталья Сёменова олган сурат.

## Бекажон

## «МОЙЧЕЧАК» ПИШИРИГИ

200 г. творог, 1 стакан ун, 100 г. сариёғ, 100 г. шакар, 1 дона тухум сариғини аралаштириб, таъба кўра ванилин, ярим чой қошиқ истеъмол содаси солиниб, суякқоқ ҳамир қилинади. Уни қандолатчилик шприцига ёки махсус халтачага солиб, духовка патнисига орасини очикроқ қилиб қуйиб, ўртача оловда пиширилади.

## ХУШБЎЙ ТУЗ ИШЛАТИНГ

Тиббиёт ходимлари рўзгорда шундай туз ишлатилишини тавсия этадилар. У тайёр ҳолда бўлмайди, лекин уй шароитида бемалол ҳозирлаш мумкин. Бунинг учун селдерей, шивит, кашнич ва петрушка каби хушбўй ошқўқларнинг уруелари кофе майдалагичда майдаланади, сўнгра оддий туз билан 1,5, ҳатто 1:10 nisбатида аралаштирилади.

Санаб ўтилган бу ўсимликлар доривор воситалар ҳисобланади. Улар пешоб, сафро ҳайдаш, қон ва қон томирларини тозалашга ёрдам беради. Шу боис, ўсимликлар уруелари қўшилган туз икки томонлама самара беради.

**ХОДИСАЛАР**

Жинойтчилик оламида кенг тарқалгани, бизнинг турмушимизда ҳам «фаол иштирок этадигани» — бу ўрилик, талончилик ҳисобланади. Уларнинг шиори «хаёт ёки ҳамёнинг». Чунки улар учун бу тирикчиликнинг энг осон йўлидир.

• Тезкор ходимлар томонидан, ҳеч қаерда ишламайдиган Наманган вилояти фуқароси Умиров қўлга олинди. У кечки вақт Юнусобод туманида талончилик жинойтини содир қилиш мақсадида, коллеж ўқувчиси фуқаро Курязованинг кетидан пойлаб борган. Кейин ён-атрофга қараб, одамларнинг йўқлигидан фойдаланиб, қизнинг олдига келиб бутун тақинчоқларини ечиб беришни талаб қилиб, йўкса оқибати ёмон бўлишини айтиб кўрқитган. Албатта, кўрқиб кетган қиз, бирон-бир инсонни ёрдамга чакира олмаслигини билиб, ҳамма тақинчоқларини унинг қўлига тутказган. Умиров эса воқеа жойидан қўйиб бўлган. Умидсиз ва нима қилишини билмаган Курязова ички ишлар идораларига хабар берган. Дарҳол келиб тушган хабардан сўнг, тезкор ходимлар зудлик билан ўғрини қидиришга ва қўлга олишга киришишди. Тезкор ходимлар олиб борган қидирув ишлари давомида бир неча гумонли ёшлар сўроқ қилиниб, улар саноиб юрадиган кўчалар текширилган, гумонланувчи Умиров далилий ашё билан дарҳол қўлга олинди. Тергов ишлари давомида аниқланишича, ўғирланган тақинчоқларнинг қиймати жами 559000 сўмни ташкил қилар экан.

• Кечки вақт Чилонзор туманида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган «Тун» махсус тадбири натижасида, Тошкент вилоятида яшовчи Рихсиев фуқаро Мусаевга нисбатан куч ишлатиб, дўқ-пўлиса қилиб, унинг 25000 сўм пули бўлган сумкасини қўлидан тортиб олиб, қочиб кетаётганида қўлга олинди.

• Тезкор ходимлар томонидан Сергели туманида муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Аниев қўлга олинди. У нафақада бўлган фуқаро Жемировнинг қўлидаги аудио магнитофонини уйи олдида ўғирлаб қочётган пайтида, тезкор ходимлар томонидан пайқаб қолиниб дарҳол ушланди.

• Ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган Кўчқоров, таниши бўлмиш Балуеванинг уйда меҳмонда бўлиб, уй бекасини уриб тан жароҳати етказиб, дўқ қилиб, уйдан битта дона гилами, бир комплект чой сервиси идишларини, бир дона қозонини ўғирлаб қочиб кетган. Ички ишлар идораларига хабар тушгач, Кўчқоровни қўлга олиш ишлари бошлаб юборилди. Натижада гумонланувчи қўлга олинди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Юлдуз АШИРОВА,**  
Тошкент шаҳар  
ИИББ Матбуот  
маркази катта  
инспектори, майор

*Мусобақалар*

**ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ  
КЎРСАТИШДИ**

Шаҳримиз олий ва ўрта махсус ўқув юрғларига ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни янги қонулар билан таништириш борасида кўпгина ибратта молик ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент мелиорация ва сув ҳўжалиги касб-ҳунар коллежида ҳам ушбу муҳим масалага жиддий эътибор қаратилади. Хусусан, кунни кеча ушбу таълим масканида «Қонун ва ёшлар» мавзусидаги «Билим-ринг» мусобақаларининг ташкил этилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Коллежнинг ҳуқуқшунослик ва бухгалтерия йўналишларида таълим олаётган I ва II курс ўқувчиларидан ташкил этилган «Адолат» ва «Парвоз» жамоалари иштирокида ўтказилган қизиқarli билим синовларида талабалар «Конституция — асосий Қонун» ҳамда «Тарих ва замон» мавзуларида ўзаро баҳс юритдилар. Талбирни одатдагидек, сардорлар беллашуви якунига етказди.



Шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчилар ўз чиқишларида гиёвандлик, қонунбузарлик, турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишлик каби ёшларни ўйлантираётган муаммоларни бадий-театрлаштирилган чиқишлари орқали талқин этишди. Шунингдек, Мустақиллик йилларида қўлга киририлган ютуқлар, юртимиз тарихидаги муҳим саналар, давлатимиз рамзлари мавзулари юзасидан ҳам савол-жавоблар ўтказилди.

Муסיқа жўрлигида ўтган тадбир давомида болалар Асосий Қонунимиз, тарихимиз ва ҳуқуқий билимлардан яхши хабардор эканликларини намойиш этишди, муаммоларнинг жуда чиройли саҳнавий ечимларини ўйлаб



топишди. Ҳакамлар ҳайъатининг ҳисоб-китобларидан сўнг «Адолат» жамоаси ғолиб чиққандлиги маълум бўлди.

Жамоалар есдалик совгалари билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)  
**СУРАТЛАРДА: «Билим-ринг» мусобақасидан лавҳалар.**  
Алексей Попов олган суратлар.

**ТОШКЕНТДА ИВМ  
ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ**

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистонда ИВМ корпорациясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси очилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Салкам бир асрдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ИВМ ахборот технологияларини яратиш бўйича жаҳондаги энг йирик компаниялардан биридир. Унинг дунё бозоридаги улуши 31,8 фоизни ташкил этади.

Анжуманда сўзга чиққан ИВМ корпорациясининг Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари бўйича бош бошқарувчиси Пьеро Корзини ушбу воқеа Ўзбекистон ахборот технологиялари инфратизимини янада ривожлан-

тиришда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Таъкидламоқ жоизки, бугунги кунда ИВМ ўзининг замонавий, юқори сифатли маҳсулотлари ва хизматлари билан мамлакатимиз ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ушбу компания билан ҳамкорликда янги автоматлаштирилган тизимнинг фойдаланишга топширилгани бунинг тасдиғидир.

Акмал НАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири

*Бқи вақтинчилизда*

**«О» ҲАРФЛИ БОШҚОТИРМА**

Жавоблар шаклда бир хилдаги ҳарфлар билан кесишади. 1. Куз-пишар қуруқ мева. 2. Хуршид Дўстмухаммад романи. 3. Хоразм вилояти тумани. 4. Тоғ йўли. 5. Махсус харбий қисм. 6. Қадимий ёзув ашёси. 7. Бемор учун ўз қонини берувчи. 8. Ўзбек халқ рақс куйи. 9. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 10. Танаси халқа-халқа, барги патсимон жануб меваси. 11. Рус шахмат гроссмейстери. 12. Ўзбекистон жанубидаги шаҳар. 13. Автомобиль қисми. 14. Ҳ.Тўхтабоевнинг «Касоскорнинг олтин боши» романи қаҳрамони. 15. Радио изтирочиси. 16. Ўқ учун ишлатиладиган портловчи модда. 17. Дон чикити. 18. Механик одам. 19. Ойнабанд айвон. 20. Ейишли, банди нордон шифобахш ўсимлик. 21. Миллат. 22. Миллий либос. 23. Турбинанинг айланадиган қисми. 24. Янгиланган дон поясидан ҳосил бўлган маҳсулот. 25. Лойдан ясаладиган буюм. 26. Келтирилган зарарни тўлаш ҳақи. 27. Сопол идиш тури. 28. Таги билан гулининг ранги бир хилдаги ип ёки ипақ газлама. 29. Марс сайёрасига учирилган космик кема. 30. Урта аср туркий халқлардаги давлат бошлиғининг унвони. 31. Ёзув ашёси. 32. Россия федерацияси таркибидаги республика пойтахти.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Бокс спорти майдони — 12,3,9,8.  
2. Илм масканларида она тили ва адабиётдан ёзма иш — 3,9,11,1.  
3. Бўёқ модда — 6,1,10.  
4. Утмишда мулкдорлар томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиш учун берилган мулк — 4,2,7,5.  
Энди очқич жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларда яширинган ҳикмати билиб олинг.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 12 ноябрь сонидан берилган кроссворднинг жавоблари:**

**Энига:** 1. Келпик. 4. Қувват. 7. Лола. 8. Миср. 9. Арслонбоб. 13. Баста. 16. Дебют. 17. Жангтоҳ. 19. Туман. 21. Ғофуров. 22. Марфа. 23. «Инсон». 28. Интендант. 30. Реле. 31. Фикр. 32. Денгиз. 33. Бостон.  
**Бўйига:** 1. Колумб. 2. Пеле. 3. Кабра. 4. Қанот. 5. Воиз. 6. Термит. 10. Омега. 11. Стратфорд. 12. Лейтенант. 14. Ҳамдон. 15. Қоражон. 20. Турин. 22. Мадрид. 24. Нейрон. 25. Ангиз. 26. Анзоб. 27. Улан. 29. Бинт.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Баҳс. 2. Қўшин. 3. Дон. 4. Гуню.  
**Ҳикмат:** Одоб — хуснга хусн қўшади.



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
2865 нусхада босилди. Қўроғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича тўрор жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтмт»га — 133-74-05 телефонида мураккаб қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.